

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг ўтган давр натижадорлиги

Бугунги кунда, давлатимизда олиб борилаётган халқаро иқтисодий бирлашмаларига интеграция жараёнида мазкур соҳага масъулият юклашини ҳамда бу борада миллий техник тартибга солиш тизимини халқаро талабларга мослаштириш бўйича ишларни жадаллаштириш лозимлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Сўнгги 5 йилда **соҳани тубдан ислоҳ қилиш** бўйича жами **18 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан **1 та** Қонун, **2 та** Президент фармони (*ПФ-5624, ПФ-6240*), **4 та** Президент қарори (*ПҚ-2935, ПҚ-4059, ПҚ-4419, ПҚ-5133*) ва **9 та** Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Халқаро талаблар билан уйғунлашган **7 763 та** стандартлар қабул қилиниб, **7 968 та**си қайта кўриб чиқилди, натижада уларнинг сони **19 543 тага** етказилди (**80,4 фоиз**).

Бозор механизмларига тўғри келмайдиган, маънан эскирган **4 952 та** стандарт амалиётдан чиқарилиб, **5 236 та** стандарт қайта кўриб чиқилди.

Тадбиркорликни янада ривожлантириш, **экспортбоп маҳсулотларни қўллаб-қувватлаш** мақсадида ишлаб чиқариш корхоналари ва фермер хўжаликларида **халқаро стандартларни жорий этиш** ҳамда тадбиркорлик субъектларига стандартлаштириш, сертификатлаштириш **харажатларини қоплаб бериш механизми йўлга қўйилди**.

Муҳтарам Президентимиз томонидан 2021 йил 2 июнда Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва сертификатлаш соҳаларида таркибий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, соҳани халқаро андозаларга мослаштириш, стандартлардан кенг фойдаланиш муҳитини яратишга қаратилган ПФ–6240-сон Фармон қабул қилинди.

Бунда мувофиқликни баҳолаш жараёнларига замонавий услубларни жорий қилиш бўйича ҳамда миллий сифат инфратузилмасининг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш юзасидан аниқ вазифалар юклатилди.

Ушбу мақсадларда, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ташкил этилди.

Республикамизнинг халқаро иқтисодий бирлашмаларига интеграциялашувини таъминлаш мақсадида халқаро амалиётда мавжуд соҳага оид Қонун ҳужжатлари таҳлили ўтказилди.

Халқаро тажрибага кўра Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар ва Европа иттифоқи мамлакатларида стандартлаштириш, метрология, аккредитация ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида белгиланган тартиб-тамоилларга мувофиқ

ваколатли институтлар томонидан ўз вазифаларини сифат миллий инфратузилмаси қатнашчилари сифатида амалга оширади. Шу сабабдан, **4 та** Ўзбекистон Республикасининг **“Стандартлаштириш тўғрисида”**ги, **“Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”**ги, **“Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида”**ги ҳамда **“Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар киритиш ҳақида”**ги **Қонун** лойиҳалари тайёрланди ва ўрнатилган тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди.

Янги иқтисодий шароитда ўсишга эришишнинг асосий воситаларидан бири стандартлаштиришдир.

“Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасида кўзда тутилган нормалар сифатсиз маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ва амалиётда фойдаланилишининг олдини олади, истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялашга, шунингдек фуқаролар, жамият ва давлатнинг сифатли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ҳуқуқий нормаларнинг самарали ишлашига асос бўлади.

Бу эса ўз навбатида маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишда юзага келиши мумкин бўлган техник тўсиқларни бартараф этган ҳолда, республика экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозорида ўз ўрнини топишига имконият яратади. Шу ўринда миллий сифат инфратузилмасининг фаолият турларини институционал ривожлантиришни таъминловчи **“Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”**ги Қонуни лойиҳасига амалдаги **“Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”**ги, **“Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”**ги Қонунлари нормалари ҳам киритилди.

Ушбу Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасида маҳсулотлар ва хизматлар умумий хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги техник регламентларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, қўллаш, мувофиқлигини баҳолаш ва давлат томонидан назорат қилиш соҳаларидаги муносабатларни тартибга солишни назарда тутди.

Қонун талаблари асосида ишлаб чиқиладиган Техник регламентлар маҳсулотларнинг хавфсизлик талабларини белгилаш орқали фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, истеъмолчиларни чалғитадиган ҳаракатларнинг олдини олиш, савдо-сотикдаги техник тўсиқларнинг олдини олиш ҳамда ички ва ташқи бозорда маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун замин яратади.

“Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида”ги Қонун мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш ҳамда аккредитация натижалари халқаро даражада тан олинishiга эришиш учун қонуний асос яратиш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қонуннинг қабул қилиниши натижасида:

Аккредитация натижаларини халқаро майдонда эътироф этилиши;

Аккредитация органининг Халқаро лабораторияларни аккредитация қилиш ҳамкорлиги (ILAC) ва Халқаро аккредитация форуми (IAF) фаолиятида тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида иштирок этиши;

Маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишда юзага келиши мумкин бўлган техник тўсиқларни бартараф этишга эришилиши кутилмоқда.

“Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги Қонун лойиҳаси билан киритилаётган ўзгаришлар истеъмолчиларни сифатсиз, хавфли маҳсулотлардан ҳимоя қилиши, тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунбузарликларга йўл қўйилган ҳолатларда уларни жавобгарликка тортилишини назарда тутди. Ушбу жазо чоралари халқаро амалиётдан келиб чиқиб қоидабузарликларнинг оғирлигига мутаносиб бўлиши ва такроран содир этилмаслигини олдини олиш воситаси сифатида хизмат қилиши лозим.

Мазкур Қонунларнинг қабул қилиниши натижасида, Миллий сифат инфратузилмасининг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги фаолият турларини рухсат бериш тусидан бозор муносабатларига асосланган ихтиёрий техник омилкорликни баҳолашга қаратилган институционал шаклга ўтишга эришилади.